


ФУҚАРОЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА



Қумқўрғон тумани Боботоғ маҳалласида 818 контурдаги 9 гектар ер майдонидаги лотларни 58 нафар фуқаро е-ижро аукционида ютиб олишди.

Туман ҳокимининг 1-ўринбосари М.Қултаев бошчилигида тегишли ташкилот раҳбарлари, аукционда иштирок этган фуқароларга ушбу ер майдонларини деҳқон хўжалигида фойдаланиш учун 10 йил муддатга ажратиб беришди.

Маълумот учун айтиш мумкин, туманда жами 320 га ер 2011 та лотга бўлиниб, ҳозирда 1378 та лотлар савдога қўйилган бўлса, шундан 547 та лотлар

туманимиз фуқаролари томонидан е-ижро аукцион орқали ютиб олинган.

Тумандаги “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “ Ёшлар дафтари” га киритилган ишсиз фуқароларнинг аукционда иштирок этиб, ер майдонларини ютиб олиши, ўз навбатида уларнинг бандлигининг таъминланиши ва қўшимча даромад манбааининг юзага келишига сабаб бўлади.